

Саййид Шариф Журжоний ва унинг “Наҳви Мир” асари

А.Исматуллаев,

ТДШИ магистранти

Асли исми Али ибн Муҳаммад ибн Али ал-Журжоний (1340-1413) Соҳибқирон Амир Темурнинг илтифотига сазовор бўлган, XV асрнинг энг буюк алломаларидан биридир. У шахсан Амир Темурнинг таклифи билан 1387 йили Самарқандга келиб, 18 йил давомида шу ерда таълим-тарбия ва ижод билан машғул бўлган. “Темур тузуклари”да эса номи тилга олинган ва мактубининг тўлиқ мазмуни берилган яккаю ягона олим Саййид Шариф Журжоний бўлади. У ўзидан 50 дан ортиқ асарларни илмий мерос қилиб қолдирган бўлиб, аксарияти унинг ҳаётлик давридаёқ шуҳрат қозонган ва бутун ислом оламида мадрасаларда муҳим қўлланма сифатида фойдаланиб келинган. Ўзбекистонда унинг таржимаи ҳоли бўйича бир неча илмий мақолалар ёзилган бўлса-да, бироқ, асарлари махсус тадқиқ этилмаган.

Ана шундай асарлардан бири “Наҳви Мир” деб аталади. Саййид Шариф Журжонийнинг “мударрислар амири” деган фахрий унвони бўлгани боис, асар шундай деб аталган. У араб тили грамматикасига оид форс тилида битилган асардир. Мадрасаларда наҳв илмидан бошланғич ўқув қўлланмаларининг бири бўлиб хизмат қилган. “Наҳви Мир” асари араб, урду тилларига бир неча маротаба таржима қилинган бўлиб, ҳозиргача айрим мадрасаларда ўқув дастурларидан жой олиб келади. “Наҳви Мир” тошбосмаларда бир неча марта нашр қилинган, қўлёзмалари қайта-қайта кўчирилган.

“Наҳви Мир” асари “Ин мухтасаре аст мазбут дар илми наҳвки мубтадийро баъд ҳифзи муфрадоти луғат ва маърифати иштиқоқ ва забти муҳиммоти тасриф ба-осоне ба-кайфияти таркиби арабий роҳ намояд ва ба-зуде маърифати эъроб ва бино ва савод хондан тавоноие диҳад”, деб бошланади. Яъни, “Бу араб тили грамматикаси қисқача баён этилган асар бўлиб, илмга янги киришган араб тилидан бошланғич маълумотга эга

талабага луғат сўзларини ёдлаш, сўз яшашни ўрганганидан сўнг араб тили наҳвини чуқур ўрганишга осонлик ила йўл кўрсатади ҳамда флексия ва турланмайдиган шакллар борасида тезлик билан савод чиқаришга имкон беради”.

“Наҳви Мир” асари муқаддима ҳамда учта бобдан иборатдир. Муқаддима қисмида араб тилшунослигида кўриб чиқиладиган умумий масалалар яъни сўз, жумла ва гап таърифлари, унинг турлари, флексия ва турланмайдиган шакллар ҳақидаги маълумотлар, отларнинг музаккар ва муаннас жинслари, бирлик, иккилик ва кўплик шакллариининг қандай ясалиши, феълларда флексия масаласи кабилар қисқача кўриб чиқилган.

Биринчи боб ўзидан кейинги сўзларга таъсир қилувчи омиллар (حروف عامله - олд кўмакчилар ва юкламалар) деб номланган бўлиб, у икки фаслдан иборат. Унда отларга ва феълларга таъсир қилувчи юкламалар ҳақида батафсил маълумот келтириб ўтилган.

Иккинчи боб феълларнинг бажарадиган вазифалари (عمل الأفعال) ва унинг турлари ҳақида бўлиб, унда феълларнинг таърифи, аниқлик нисбатидаги сифатдош турлари (أقسام الفاعل), мажхул феъллар (الفعل المجهول), ўтимли феълларнинг турлари (اقسام المتعدي), ёрдамчи феъллар (الأفعال الناقصة), иш-ҳаракат яқинлигини ифодаловчи феъллар (أفعال المقاربة), олқиш ва қарғишни ифодаловчи икки феъл (فعلا المدح والذم), ҳамда таажжубни ифодаловчи икки феъл (فعلي التعجب) тўғрисида маълумотлар берилган.

Учинчи боб эса тобе сўзларга таъсир кўрсатувчи омиллар яъни ҳоким сўзларнинг вазифаси

(عمل الأسماء العاملة) дея номланган. Таъсир кўрсатувчи ҳоким сўзларнинг турлари ҳақидаги маълумотдан бошланган бу бобда эргашувчилар, сифат ва сифатдошлар, таъкидловчи отлар, боғловчилар, аниқловчилар, икки келишикли ва уч келишикли отлар, шунингдек, ўзидан кейинги сўзга таъсир кўрсатмайдиган сўзлар қисқача зикр этилган.

Мазкур “Наҳви Мир” асари араб тили грамматикаси бўйича бошланғич маълумотларни аниқ ва лўнда бериши билан аҳамиятлидир. Тили ҳам содда бўлгани боис у асрлар давомида муҳим қўлланмалардан бири бўлиб қўлланилиб келинмоқда. Ушбу қимматли асар ўзбек тилига таржима қилинса, оммалаштирилса араб тилшунослиги бўйича муҳим маълумотлар тақдим этиши ҳамда араб тилини ўрганувчилар учун эътиборли манбалардан бири бўлиши шубҳасиздир.